

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
23 апрел,
жума
№ 15 (840)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрелда кунли ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қамровлилиги билан иқтисодиётда, аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бу соҳада янги иш ўринларини кам ҳаражат билан ва тез муддатда ташкил этиш мумкин. Аҳоли даромадларининг реал ўсиши ҳам аввало хизматлар ривожидан сезилади.

Коронавирус пандемияси бу соҳага салбий таъсир кўрсатди. Шу боис, тадбиркорларга 24 та турдаги солиқ имтиёзлари, субсидия ва бошқа преференциялар тақдим этиш орқали 35 триллион сўмлик кўмак берилди. Бу энгилликлар ҳам тадбиркорлар, ҳам банклар учун катта имконият бўлди.

Масалан, ўтган йили тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хизмат соҳасига 1 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари берилган. Бундан ташқари тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча 14 триллион сўм кредитлар ажратган. Кенг имтиёзлар берилгани натижасида сервис соҳаларида ўзини ўзи банд қилган 500 минг нафар фуқаро расмий рўйхатдан ўтган.

Жойларда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувларда янги хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича муражаатлар, ташаббуслар кўп бўлмоқда. Улар асосида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари жорий йилда хизматлар соҳасида 59 триллион сўмлик 42 мингта янги лойиҳани амалга ошириш, 150 мингта доимий иш ўрни яратиш бўйича режалар белгилаган.

Йиғилишда Президент ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга кўмаклашиш, шу

билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун, Ўзбекистон миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази ташкил этилади ва барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилади. Уларда аҳолига намунавий тайёр бизнес лойиҳалари тақдим этилади, касбга ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишгача бўлган комплекс хизматлар кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни молиявий таъминлаш масаласига алоҳида тўхталди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил хизматлар соҳаси учун банклар томонидан камида 18 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

Бундан ташқари давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар ажратилади. Шундан 150 миллион доллар 1 июлгача жойларга етиб боради.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга "маҳалла — туман — банк" принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда ҳар бир маҳаллада камида 20 турдаги, туман ва шаҳарда камида 70 та турдаги хизматлар бўлиши назарда тутилади.

Шунингдек, Миллий банк томонидан 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим хизматлари ҳамда йирик савдо комплекслари ташкил этиш учун

қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Умуман айтганда, бюджетдан ва Миллий банк томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига жами 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилади.

— Тошхирок беришдан олдин шариоит яратаяпмиз, пуллар ажратаямиз. Биргина хизматлар соҳасига 500 миллион доллар беряпмиз. Бунга агар ҳалол-поқ ишлатсак, неча минг ишчи жой пайдо бўлади. Ҳар бир вазир ватанпарвар бўлиб, "ўзининг аравасини ўзи тортиб", берилган бир сўм пулни қадрлаб, жойига етказса, одамлар ишонади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз йўналишида хизматлар ривожини учун ҳаракат қилиши зарурлиги қайд этилди.

— Вазирлар ўз соҳасида хусусий сектор фаолияти учун ҳуқуқий база яратиши, рухсат бериш талабларини соддалаштириб, тадбиркорликка йўл очиши зарур. Қаерда давлат корхонаси, қайси фаолият бўйича давлат-хусусий шериклик ёки хусусий сектор бўлиши аниқ қилиб белгиланиши керак, — деди Президент.

Мисол учун, охириги 2 йилда 6 мингга яқин кўп қаватли уйлар қурилган. Уларнинг эксплуатацияси бўйича бошқарув компаниялари ташкил этиш, мавзела ичида турли хизматларни йўлга қўйиш мумкин.

Ёки хавфсизлик талабларини қўйган ҳолда, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистрал йўллар ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш тадбиркорларни даромад, аҳолини иш билан таъминлайди.

Ахборот соҳасида хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш,

нархларни арзонлаштириш ва сифатини ошириш ҳисобига алоқа ва интернет хизматлари ҳажмини камида 2 бараварга, дастурлашни 3 бараварга ошириш имконияти бор.

Худди шу каби барча вазирлик ва идоралар тизимида фойдаланиш зарур бўлган йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Сервисни аҳолига яқинлаштириш мақсадида маҳаллаларда энгил конструкциялардан хизматлар маркази барпо этиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, 28 та шаҳар ҳамда аҳолиси 150 мингдан кўп бўлган туман марказларида савдо ва хизматлар учун махсус кўчалар ташкил этилиши белгиланди. Уларда 100 мингта тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш имкони мавжуд.

Хизмат кўрсатишда энг муҳим масала — бу манзилни тўғри танлаш. Шу боис Қурилиш вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатишга иштирослашган кўчалар ҳамда марказларнинг жойини танлаб, лойиҳасини ишлаб чиқиш, лотларга бўлиб, танлов асосида савдога чиқариш топширилди. Хавфсизлик чораларини кўриб, ушбу савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг куну тун ишлашига рухсат берилиши ҳам мумкин.

Кўп тармоқли шифоналар ва унинг атрофида хусусий шериклик асосида тиббиёт кластерлари, олий ўқув юртлири ҳудудида хорижий тиллар, тайёрлов ва касбга ўргатиш курслари ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Йиғилишда мутасаддилар жойлардаги салоҳиятни юзага чиқариш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаб, хизматлар ҳажмини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат кодексини лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни қизгин давом этмоқда. Мазкур лойиҳа амалдагисидан деярли уч баробар катта бўлиб, унга қатор янги нормалар киритилмоқда.



Янги қонун лойиҳаси

Қонун асоси мукамал бўлса, ижроси самарали таъминланади

Биринчидан, лойиҳада ҳозирги кунда қизгин муҳокама-ларга сабаб бўлаётган мавзу — меҳнат қилиш ҳуқуқи эркинлиги ва мажбурий меҳнат масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, меҳнат қилиш эркинлиги тушунчасига аниқ таъриф бериш билан бирга, меҳнат қилиш эркинлигини амалга ошириш воситалари очиб берилган. Мажбурий меҳнатни қатъий тақиқлаш, шунингдек, мажбурий меҳнатдан чеклашни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам аниқлаштирилмоқда.

Иккинчидан, кодекс лойиҳасида "меҳнат муносабати"

ларида ижтимоий шериклик институтини жорий қилиш, унинг асосий принцип ва мақсадлари ҳамда томонлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Мисол учун ҳодимларнинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай вақтдаги эркинлиги тузиш, унга аъзо бўлиш ёхуд бошқа жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш эркинлиги кафолатланиб, бундай эркинликни амалга оширишга ҳар қандай кўринишдаги тўсқинликка нисбатан жавобгарлик белгиланмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Жиний жазога ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткорлик, жамиятда юриш-туриш қондаларига ҳурмат муносабатини шакллантиришда уларга таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганишга кўмаклашиш муҳим омил ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсонпарварлик тамойиллари

Маҳкумлар ва таълим:

жазони ижро этиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш истиқболлари



Президентимизнинг 2019 йил 29 январдаги "Озодликдан маҳрум этилган шахсларни меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги "Озодликдан маҳ-

рум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида бу йўналишдаги долзарб вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда) ►

Давлат ҳуқуқий сиёсати: долзарб муаммолар ва келгусидаги тенденциялар

"Tashkent Law Spring" Халқаро ҳуқуқий форуми доирасида "Давлат ҳуқуқий сиёсати: долзарб муаммолар ва келгусидаги тенденциялар" мавзусидаги муҳокама сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Қозғистон, Беларусь, Озарбайжон ва Сингапур каби хорижий давлатларнинг адлия вазирлари ҳамда маҳаллий ва хорижий экспертлар қатнашди. Сессияни Адлия вазирини

Р. Давлетов очиб берди ва муҳокама мавзуси бўйича Адлия вазирлигида амалга оширилаётган ислохотлар бора-бора маълумот берди.

(Давоми 2-бетда) ►

Анджонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов раҳбарлигида республика ишчи гуруҳи томонидан суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабуллар ўтказилмоқда.

Анджонда Олий суд раиси раҳбарлигида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабул ўтказилмоқда



Қабул мамлакатимизда демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражаси, суд иши юритувининг сифати, аҳолининг суд идоралари билан боғлиқ муаммолари

ри ҳал этилишига кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, қолверса, фуқароларнинг суд идораларига бўлган ишончини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Фарғонада оммавий сайёр қабуллар бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Исломов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Барча даражадаги раҳбарларнинг аҳоли билан бевосита мулоқотга кириши, айниқса, сайёр қабуллар орқали муражаатчилар ҳузурига бориши халқимизнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга бўлган ишончини янада

муштақамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, очик мулоқотларда уларни қийнаётган муаммоларга ечим топилиб, дарду ташвишини энгиллаштиришга кўмаклашилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Хабар

Олий суд Пленумининг тўртта муҳим қарори қабул қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда судьялар, сенаторлар, депутатлар, Судьялар олий кенгаши, Судьялар ассоциацияси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Олий суд раиси Қ.Комилов бошқарган мажлисда суд тизимида амалга оширилаётган ишлар, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш бўйича



кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида қисқача маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Оқлов

Ҳақиқатнинг ойдин йўли

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳуқуқшунослик ҳаммага ҳам nasib этавермайдиган шарафли касб саналади. Етук ҳуқуқшунос бўлиш учун киши фақатгина шу йўналишда олий таълим олиши кифоя қилмайди. Бундан ташқари ёш ҳуқуқшунос турли машаққат ва синовларни мардона энгиб ўтиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда айни касбнинг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, тажриба орттириши, тинимсиз изланиши ва энг муҳими, юксак



инсоний фазилатларга эга бўлиши талаб этилади.

(Давоми 3-бетда) ►

Хабар

Олий суд Пленумининг тўртта муҳим қарори қабул қилинди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва оқилол судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида иш олиб бориш, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, суд органларининг амалдаги тузилмасини замон талаблари ва халқаро стандартларга кўра уйғунлаштиришга қаратилган механизм яратилди. Фармон талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда Пленум қарорлари лойиҳалари тайёрланди.



Мажлисида ушбу лойиҳалар муҳокама қилинди. "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳасида жиноят ишларини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг

тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Иқтисодий процессуал кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, суд амалиётида айрим масалалар келиб чиқаётгани муносабати билан тайёрланган. Иқтисодий процессуал кодексга мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул



қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланиши тушунтирилган.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, суд амалиётида бу борада айрим масалалар юзага келаётгани муносабати билан, шунингдек, қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида



ишлаб чиқилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани муносабати билан суд амалиётида юзага келган саволлар ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти

ишлаб чиқилган. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани муносабати билан суд амалиётида юзага келган саволлар ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Иқтисодий процессуал кодексга мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул

қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланиши тушунтирилган.



қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланиши тушунтирилган.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, суд амалиётида бу борада айрим масалалар юзага келаётгани муносабати билан, шунингдек, қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мужбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий суд раиси раҳбарлигида жиноят, фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъатлари судьялари, прокуратура, ички ишлар мутасаддилари иштирокида Андижон туманидан ташкил этилган оммавий қабул давомида Андижон шаҳри ва туманида яшовчи фуқаролар турли масалалар юзасидан мурожаат қилди.

— Ҳуқуқий суд ҳукми билан белгиланган жазони ўтамоқда, — дейди Андижон тумани, "Чем" маҳалласида яшовчи Мамлакатхон Валиева. — Қабулда фарзандим қилган айбидан пушаймонлигим, ўзини яхши томонлама кўрсатаётгани инобатга олиниб, унинг жазо муддати қисқартирилишига кўмак сўраб мурожаат қилдим. Мурожаатим бўйича менга тегишли тавсия ва тушунтиришлар берилди.

Қабул давомида қилинган мурожаатларнинг кўп қисмини фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, суд қарорларидан норози бўлиш, белгиланган жазоларни енгилаштириш, қарздорликни ундириш, уй-жой, мерос масалалари ташкил этди.

— Қўлимда менга етказилган зарарни ундириш бўйича 2019 йилда чиқарилган суд қарори бор, — дей-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, жойларда адолат истаётган, суд-ҳуқуқ ва бошқа масалаларда турли идораларга арз қилаётганлар кўп. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Президент Администрацияси, Олий суд, Судьялар Олий кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирилик масъул раҳбарлари иштирокида вилоятнинг шаҳар ва туманлар аҳолиси учун оммавий сайёр қабуллар бошланди.

Фаргона шаҳридаги "Янгисой" маҳалла фуқаролар йиғинидаги истироҳат боғининг очик майдонида бўлиб ўтган қабулнинг биринчи кунинда Фаргона, Қувасой шаҳри ва Фаргона туманидан келган фуқаролар мурожаатлари тингланди. 458 нафар фуқаро қабул қилиниб, 85 та мурожаат шу эришнинг ўзиде ижобий ҳал этилди. 110 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар, 34 нафарига тушунтириш берилиб, 241 та мурожаат ижро учун назоратга олинди.

Олий суд раиси ўринбосари И.Муслимов 213 нафар фуқаронинг мурожаатини тинглади. Улардан 99 таси бўйича

Давлат ҳуқуқий сиёсати: долзарб муаммолар ва келгусидаги тенденциялар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, бугунги кунда вазирилик тизимида Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.uz), Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими (Project.gov.uz), Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (Regulation.gov.uz), "Нотариус" ахборот тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлари портали (E-ngo.uz) ва бошқа шу каби йирик ахборот тизимлари фаолият кўрсатмоқда. Lex.uz сайтига ҳар ой ўртача 1,2 миллион фойдаланувчи ташриф буюрмоқда.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, Тошкент вилояти ИИБ Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясининг 5-мактаби Зангиота туманидаги 35-мактаби билан бирлаштирилди. Бунинг натижасида Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясида мазкур мактабнинг филиали ташкил этилди.

Бундан ташқари Олий ўрта махсус таълим вазирилик Касб-хунар таълими марказининг жазони ижро этиш муассасалари ҳудудидеги 4 та касб-хунар таълими муассасаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик тасарруфига ўтказилди. Улар касб-хунарга ўргатиш марказларига айлантирилди.

Украина Жиноят-ижроия кодексига асосан, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими, шунингдек, масофавий ўрта махсус ва олий таълим олиши мумкин. Маҳкумларга "Психология", "Ҳуқуқшунослик", "Меҳнат", "Ҳисобчи", "Реклама бўйича мутахассис" ва бошқа мутахассислар бўйича масофавий ўрта махсус ва олий таълим олиш имко-

Андижонда Олий суд раиси раҳбарлигида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабул ўтказилмоқда

ди Андижон шаҳри, "Қаландархона" маҳалласида яшовчи Бектош Жўраев. — Аммо мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан суд қарори ижросини таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилмапти. Икки йилдирки, сарсон бўлиб юрибман. Қабулда ушбу масалада ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилдим. Мутасаддилар суд қарори ижросини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

— Бозоримиз ҳудудиде қурилиш ишларини амалга оширган қурилиш ташкилоти томонидан бозорга тегишли ер майдонлари ўзлаштириб олинган, — дейди Андижон шаҳридаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори иш юритувчиси Одинахон Болтабоева. — Мутасадди ташкилотлар ва суд идорасига кўп бора мурожаат этдик. Бироқ масала ҳал бўлмапти. Шу боис, Олий суд-



дан ушбу масалани ҳал этилишига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Мурожаатимиз кўриб чиқилаётган бўлди.

Андижон вилоятида олти кун давом этадиган оммавий қабуллар Аса-

ка, Қўрғонтепа, Улуғнор, Избоскан ва Балиқчи туманларида ҳам ўтказилиши белгиланган. Мазкур қабулларга вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари аҳолиси қамраб олинади.

Фарғонада оммавий сайёр қабуллар бошланди



ҳуқуқий тушунтириш берилди. 48 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди. 66 таси бўйича аризалар Олий суд томонидан кассация тартибиде ҳал қилиш учун қабул қилинди. Уларнинг барчаси қаноатлантирилиб, тегишли судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказилди. Жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди 31 нафар, жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди 4 нафар, жиноят

ишлари бўйича Фаргона тумани суди 10 нафар шахсни жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилди. Шунингдек, 1 нафар шахсга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан алимент, 2 нафар шахсга нисбатан иш ҳақини ундириш юзасидан суд бўйири чиқарилиб, ижрога қаратилди.

— Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, қабулга келдим, — дейди Фаргона шаҳрилик собиқ

ҳарбий хизматчи Олимжон Камолов. — Ҳуқуқ ва ажримларни бекор қилиб, оқлов ҳукмини чиқариш ҳақида шикоят ёздим. Мурожаатим Олий суд томонидан кассация тартибиде ҳал қилиш учун қабул қилинди. Адолат қарор топишига ишонаман.

Одилхўжа Тошхўжаев "Фаргона агрокимёхимия" ҳудудий акциядорлик жамиятидан ноқонуний ишдан бўшатилган бў-

либ, икки йилдан буён сарсон-саргардон юрибди. Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманларари суди уни ишга тиклаш тўғрисида қарор чиқарган бўлса-да, суд ҳужжатлари ижро этилмасдан келинмоқда. У мазкур масалада Бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқовага мурожаат қилди ва масала ўз ечимини топди.

Президентимиз томонидан фуқароларнинг мурожаатларига қулоқ тутиш ҳар бир мутасадди раҳбарнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйилаётганида чуқур аъно ва халқнинг турмушини яхшилашга қаратилган эзгу мақсад муҳасам экани оммавий сайёр қабуллар давомида ўз ифодасини топмоқда. Нафақат суд-ҳуқуқ, балки бошқа масалалардаги мурожаатлар ҳам эътиборсиз қолдирилмасдан ечимни топишмоқда. Буни аҳолининг Президентимизга билдираётган ташаккурномаларидан ҳам аққол билиш мумкин.

Вилоятнинг қолган шаҳар ва туманларида 24 апрелга қадар сайёр қабуллар давом эттирилиб, барча аҳоли қамраб олинади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Инсонпарварлик тамойиллари

Маҳкумлар

ижро этиш хизмати Бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2018 йилда 100 нафардан ортиқ маҳкум олий таълим муассасалари дипломини олган. Шунингдек, 2019 йилда олий таълим муассасаларида 1000 нафардан ортиқ маҳкум масофавий таълимга жалб этилган.

Америка Қўшма Штатларида маҳкумларга таълим бериш рецидив жиноятларни камайитириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ўтаётган ҳамда маҳкумларнинг озод этилганидан кейин иқтисодий имкониятларини яхшилашга қаратилган. АҚШда маҳкумларни олий таълимга ўқитиш бўйича турли дастурлар амалга оширилди.

Ўтказилган тадқиқотларда ҳар қандай турдаги таълим рецидив жиноятни 43 фоизга камайитириши аниқланган. АҚШда маҳкумларга таълим бериш XIX аср иккинчи ярмидан бошланган. Хусусан, 1960 йилда таълим бериш дастур-

лари мамлакатнинг 9 та жазони ижро этиш муассасасида мавжуд бўлган.

2001 йилда Бард коллежи маҳкумлар учун "Bard Prison Initiative" махсус ўқув дастури ишлаб чиқди. Ушбу дастури "Ford Foundation" нодавлат ташкилоти молиялаштирди.

Дастурга асосан Нью-Йорк штатидаги 6 та жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган маҳкумлар ўрта махсус ва олий таълим учун масофавий таълим олиши имконияти яратилди. Ҳозирги кунда мазкур ўқув дастурида АҚШнинг 15 та таълим муассасаси иштирок этмоқда.

Германияда маҳкумлар учун мактаб, гимназия ва университетда таълим олиш имконияти мавжуд. Жумладан, Фрейбург жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар мактаб, гимназия ва университет тахсилини олиши мумкин. Ушбу муассасадаги маҳкумлар Германиянинг "Hagen" университетиде масофавий ҳамда сиртки таълим олади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Этиборли томони шундаки, ходимлар вакиллик органининг аъзоси ёки раҳбарининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлашга қаратилган нормалар ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Учинчидан, лойиҳада ишга қабул қилиш ёшини ўзгартириш ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ ишга қабул қилиш ёши 16 ёш, алоҳида ҳолларда эса 15 ёш, деб белгиланган. Лойиҳада эса, алоҳида ҳолларда 15 ёшга тўлмаган шахсларни маданий-томоша, телевидение, радио ташкилотлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари ота ва она ёки ота-она ўрнини босувчи шахснинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ишга қабул қилиши белгиланмоқда. Чунки ҳозирги кунда бир қатор ёшлар, шу жумладан, мактаб ўқувчилари ҳам маданий-томоша дастурлари учун жалб этилса-да, амалда меҳнат шартномаси тузилмайди.

Вақолати, бу жараёнда ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатланмаслиги билан бирга, иш берувчининг мажбуриятлари, яъни иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлар, компенсация ва ҳоказолар ҳам этибордан четда қолаётган эди.

Тўртинчидан, лойиҳада ходимнинг шахсига оид маълумотлар тушунчаси, уларнинг рўйхати, улардан фойдаланиш, қайта ишлаш, сақлашга доир томонларнинг мажбуриятлари ҳамда иш берувчининг бу тартибларга риоя қилмаслиги борасидаги жавобгарлиги белгиланмоқда.

Масалан, иш берувчи зиммасига ходимнинг шахсига доир маълумотларнинг унинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ошкор қилмаслик, шунингдек, ходимлар вакиллик органи билан биргаликда ходимнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланиш, сақлаш, қайта ишлаш ва учинчи шахсларга бериш борасида ҳимояни таъминлаш каби мажбуриятлар ва жавобгарлик юклаш кўзда тутилмоқда.

Бешинчидан, лойиҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган гендер тенглиги сиёсати ва Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, қисқартирилган иш вақти белгиланадиган ходимлар тоифаси янада кенгайтирилмоқда. Хусусан, бундай ходимлар тоифасига уч ёшга фарзанд бўлган ҳамда давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот-

да ишловчи ота-онадан бири, шунингдек, васийга қисқартирилган иш вақти белгиланиши назарда тутилмоқда. Амалдаги кодексга мувофиқ, мазкур ҳуқуқ фақат аёлларга тегишли бўлиб, бундай ҳолат амалиётда гендер тенглиги тамойилларига тўғри келмасди.

Албатта, бу ҳуқуқдан ота-онанинг бири фойдаланиши назарда тутилмоқда. Яна бир этиборли жиҳати, лойиҳада давлат секторида ишламайдиган уч ёшга фарзанди бўлган ота-она, васийга ҳам қисқартилган иш вақти қоидаларини жамоа келишувлари, жамоа шартномасида белги-

тиби, натижаларини расмийлаштириш тартиблари ҳам акс этмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида меҳнат муносабатларида меҳнат муҳофазасини таъминлашда иш берувчи ҳамда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат низолати масалаларини ҳал қилиш, тартибга солишга қаратилган медиа-тор, меҳнат низолати комиссияси, меҳнат арбитражи институтларини жорий қилиш, улар орқали яқка тартибдаги ва жамоавий меҳнат низолатини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиблари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи

келинди. Шу билан бирга, айрил нормалар такомиллаштириш мақсадида тўлдирилиб, қонунчилик ва юридик техника талабларига мувофиқлаштирилди.

Жумладан, кодекс лойиҳаси масофавий ишлайдиган ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида хорижий тажриба ва амалиётдаги муаммоларни инобатга олган ҳолда:

— доимий ва вақтинчалик масофавий ишлаш (453-модда);

— иш берувчи ташаббуси билан доимий ва вақтинчалик масофавий иш фаолиятига

Бундан ташқари лойиҳада меҳнат муносабатларини амалга оширишда ижтимоий шериклик муносабатлари механизми бўлиб, эриштирилган аниқланди. Жумладан, 14-моддада жамоа келишувларининг ўзаро ҳамда локал ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги қоидалари тўлиқ ёритиб берилмагани ҳамда 29-моддада ваколатли далаат органлари йўлланмасига асосан иш берувчи ва ходим ўртасида яқка тартибдаги меҳнат муносабатларини келиб чиқиши асослари "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланиб, мазкур моддалар амалдаги қонунлар асосида зарур нормалар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, лойиҳада Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ҳаддан ташқари кенг ваколатларни назарда тутувчи айрим нормалар амалиётда суистеъмолчилик ва коррупциявий шароитларни келтириб чиқариши эҳтимоли бор, деган фикрга келинди. Шу боис бундай нормалар чиқариб ташланди.

Меҳнат муносабатларини амалга оширишда хусусий сектор фаолиятига давлат органларининг ортиқча аралашувини чеклаш жуда муҳим. Шу мақсадда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 274-моддада белгиланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш, амалга киритиш, алмаштириш ҳамда қайта кўриб чиқиш борасидаги айрим ваколатлари чиқариб ташланди.

Кодекс лойиҳаси юридик техника қоидалари талабларига мос эмаслиги, унинг бир жойида муайян термин ишлатилган бўлса, бошқа жойида бундай термин бошқача маънода қўлланилгани, мазкур ҳолат ҳуқуқни қўлловчи муаммо келтириб чиқариши ёхуд лойиҳада ишлатилган тушунчаларни қисқартириш қоидаларига риоя этилмагани ҳам аниқланиб, мазкур камчиликлар бартараф этилди.

Қисқача айтганда, кодекс лойиҳаси пишиқ-пухта тайёрланишига жиддий аҳамият берилмоқда. Зеро, ҳар жиҳатдан мукамал ҳужжатнинг амалиётда ижроси янада самарали бўлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Янги қонун лойиҳаси

Қонун асоси мукамал бўлса, ижроси самарали таъминланади

лаш орқали қўллаш назарда тутилмоқда.

Олтинчидан, лойиҳада ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили минимал муддатини ўзгартириб, ушбу таътил муддатини 21 календарь куни этиб белгилаш назарда тутилмоқда. Бу эса, ҳафтада 5 ва 6 иш кунинда ишловчи ходимларга асосий йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишда қулайлик яратди.

Маълумки, амалдаги кодексда ходимларнинг йиллик асосий меҳнат таътили минимал муддати 15 иш куни этиб белгиланган.

Еттинчидан, лойиҳада илк марта ходим томонидан содир этилган ножўя интизомий хатти-ҳаракат юзасидан ҳақиқатни аниқлашга қаратилган хизмат текшируви институти, унинг тушунчаси, ўтказиш тар-

ўтишга тайёрлаш давомида жамоатчилик вакиллари, олимлар ҳамда экспертлари жалб қилиб, лойиҳада акс этган нормаларни амалдаги қонунчилик ва амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга этибор қаратилди. Хусусан, муҳокама жараёнида давлат органларининг лойиҳа бўйича юборган тақлифларидан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, касаба уюмлари, тадбиркорлик субъектлари тақлифлари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида лойиҳада акс этган ҳуқуқий нормаларни эътироф қилган ҳолда унинг айрим нормалари амалдаги қонунчиликка мос эмаслиги, айримлари эса, амалиётда коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида хулосага

ўтиш (454-модда);

— масофавий иш фаолиятига ўтишни расмийлаштириш (457-модда);

— масофавий иш фаолиятига ўтиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (458-модда) каби янги моддалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, кодекс лойиҳасининг 127-моддасига иш берувчи томонидан ишга қабул қилиш ҳамда тегишли ёзувларни меҳнат дафтрасига киритиш билан боғлиқ жараёнда ёзувларни меҳнат дафтрасига ҳамда "Меҳнат ягона миллий тизими"га киритиш муддатлари ва тартибини аниқлаштирувчи қоидалар киритилди.

Айрим ҳаволаки нормалардан воз кечиш ҳисобига лойиҳа тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалардан ташкил топмоқда.

— Янга, сиз учун ажойиб совға ҳозирлаяпман, — деб қолди у кунларнинг бирида.

— Ҳўш, қандай совға экан?

— Сизга ҳамроҳ бўлиб, банкка шахсан ўзим бораман. У ерда танишларим бор. Қараб туришмайди. Кўмак беришади. Камида 20 миллион сўм кредит оласиз. Арларни парварিশлаб, ҳаммаёқни асалга, чўнтакни эса, пулга тўлдирасиз.

— Майли, сиз айтганча бўлақолсин. (Давоми 4-бетда) ▶

Кўплар қатори урганчилик Озода Йўлдошева ҳам асални ёқтиради. Шу боис анчадан буён асалари парварিশлаш, қолаверса, ундан гаромағ орттиришни ният қилади. Бироқ оиладаги маблағ тақчиллиги бу эзгу ниятни рўёбга чиқаришга монелик қиларди.

Қилмиш-қидирмиш

Қариндошга қўйилган тузоқ

Шу ўринда таъкидлаш жоиз: бозор муносабатлари ва эркин тадбиркорлик йўлини тугган Ўзбекистонда маблағ орзулар ижобати йўлидаги энг катта тўсиқ эмас. Истак бўлса, бас. Орзунинг рўёби йўллари мудом очик. Озода ана шундай кунларнинг бири-

сида рецидив жиноятчилик сезиларли даражада камайган.

Норвегияда реабилитация шакли сифатида таълимга этибор қаратган биринчи жазони ижро этиш муассасаси 1851 йилда очилган. 2007 йилда Норвегиядаги ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларга таълим бериш учун мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Беларусь Республикасининг Жиноят-ижроия кодексидан ахлоқ тузатиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва касб-хунар таълими олишини ташкил қилиш ҳамда уларга масофавий шаклда ўрта махсус ва олий маълумот олиш, шунингдек, қўшимча маълумот олиш учун шароитлар яратиш назарда тутилган.

Шу асосда ахлоқ тузатиш муассасаларида ўқитиш касб-хунар таълими ва мутахассисликлар, ихтисосликлар, касблар йўналишлари бўйича ташкил этилади. Бунда маҳкумлар, тайинланган малакаларини ҳисобга олган ҳолда, озод қилинганидан кейин ушбу муассасада ишлаши мумкин бўлади. Маҳкум-

лар ахлоқ тузатиш муассасаларида таълим олиши учун маҳаллий ижроия ва маъмурий органлар зарур шарт-шароитларни яратди.

Хорижий давлатларнинг айрим жазони ижро этиш муассасаларида баъзи таълим турлари тўлов асосида ташкил этилган. Масалан, Данияда бошланғич ва ўрта мактабларда таълим бепул, ўрта махсус ва олий таълим дарслари тўлов асосида ўтилади.

Буюк Британия ва Австралияда маҳкумлар кенг жамоатчиликка тақдим этиладиган ҳукумат кредитларидан фойдаланиши мумкин. Буюк Британиядаги "Education Trust" каби хайрия гуруҳлари масофавий ўқишни молиялаштиришга қодир бўлмаган маҳкумларга грантлар ажратади.

Маълумотларга кўра, 2014 йилда Англия ва Уэльсда ўтказилган тадқиқотларга асосан 6000 нафардан зиёд маҳкумини ўрганиш натижасида таълим курсларидан ўқиганларнинг қайта жиноят содир қилиш эҳтимоли 7 фоизга камайгани аниқланган. Хорижий давлатларнинг жазони ижро этиш муассасаларида барча даражадаги

таълим шакллари жорий этиш амалиёти "ўтириб чиқарилган"ларнинг ишга жойлашиши имкониятларини оширади. Мўҳими, уларнинг қайта жиноят йўлига киришининг олдини олади.

Фикримизча, ижобий натижа бераётган хориж тажрибасини амалда қўллашнинг фойдаси бўлса, бўладики, асло зарари йўқ. Шундай экан, мамлакатимиздаги жазони ижро этиш муассасаларида ҳам таълимни айна шу негизда такомиллаштириш лозим.

Бунда биринчи навбатда, жазони ижро этиш муассасалари билан олий таълим муассасалари ҳамкорликда маҳкумларга масофавий олий таълим бериш тизимини йўлга қўйиши талаб этилади. Бундан ташқари жазони ижро этиш муассасаларида касб-хунар таълими бўйича ўқиган маҳкумларга тегишли тартибда диплом бериш амалиётини жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Равшан НУРМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сийosat тадқиқот институти масъул ходими

Оқлов

Ҳақиқатнинг ойдin йўли

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Учкўприк туманида яшовчи Мунаввар Қодиров ҳам бундан 25 йил аввал мактабни тугатиб, олийгоҳга ўқишга киргач, келгусида тажрибали ҳуқуқшунос бўлиб, халқимизга хизмат қилишни орзу қилган эди. Шундай бўлди ҳам. Эзгу ниятлари амалга ошириб, прокуратура органларига ишга кирди. Аввал Қўқон шаҳар прокуратурасида жамоатчи ёрдамчи сифатида тажриба орттира бошлади. Сўнгра Сўх тумани прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси лавозимига ўтказилди. Аммо...

ҳотлар амалга оширила бошлангач, унинг кўнглида адолатни қарор топтиришга ишонч уйғонади. Аниқроғи, у ўзининг айбисизлигини исботловчи бир қатор далилларни тақдим этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилади. Пировардида Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 18 августдаги ажримига мувофиқ жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 8 апрелдаги ажримининг унга оид қисми бекор қилинади ва ишнинг шу қис-



Аммо 2008 йил октябрь ойида унинг бошига кутилмаганда жиддий ташвиш тушди. Гап шундаки, ўша пайтда М.Қодиров иш юристивида Сўх тумани бандликка кўмаклашиш марказига оид жиноят иши мавжуд бўлиб, марказнинг молиявий фаолияти тафтиш этилганда айрим талон-торожликлар аниқланган.

Бундан тафтишчи Р.Сурхонов "унумли" фойдаланмоқчи бўлади. У марказ директори Субҳиддин Хизриевдан тамағирлик йўли билан 3000 АҚШ долларини ҳамкасби Фарруҳ Шодиев орқали пора тариқасида олади. Ана шу воқеанинг эртасига — 2008 йил 26 октябрь куни М.Қодиров Р.Сурхонов билан жиноий тил бириктирилганда гумонланиб, ишдан бўшатилди. Охир-оқибат прокурор ёрдамчисига нисбатан ҳам жиноят иши кўзгатилади.

Шундан сўнг ушбу қилмиш жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судида кўриб чиқилади. Суднинг 2009 йил 5 мартдаги ҳукмига кўра, М.Қодиров Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "б, в, г" бандлари билан айбдор деб топилди, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Унинг апелляция шикоятини суднинг 2009 йил 8 апрелдаги ажримига асосан қаноатлантирилмайди ва суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилади.

Кейинчалик жиноят ишлари бўйича Яқкабўғ тумани судининг 2011 йил 4 мартдаги ажримига асосан М.Қодировнинг ўталмай қолган 3 йил 11 ой 29 кун жазоси Жиноят кодексининг 74-моддаси тартибидан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач, жиноят ишлари бўйича Учкўприк тумани судининг 2012 йил 19 июндаги ажримига биноан ўталмай қолган 2 йил 10 ой 15 кун ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан мuddатидан илгари шартли равишда озод қилинади.

Бироқ жазодан озод этилгач, собиқ прокурор ёрдамчиси бировнинг айби эвазига айбдорга айланганидан норози бўлиб, юқори турувчи идораларга қайта-қайта мурожаат қилса-да, бирон-бир натижа бўлмади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли исло-

ми янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилади.

Апелляция суди мажлисида М.Қодировнинг ноҳақ айбланиб, жазага тортилгани маълум бўлди. Жумладан, Рустам Сурхонов турли руҳий ва жисмоний таътиклар туфайли М.Қодировнинг ҳам жиноятга шерик бўлгани ҳақида ёлгон кўрсатма беришга мажбур бўлганини тан олди. Субҳиддин Хизриев ҳам прокурор ёрдамчисининг пора талаб қилмаганини маълум қилди. Аммо дастлабки тергов органи ва суд М.Қодировни тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда айблаб, нотўғри хулосага келган. Қолаверса, прокурор ёрдамчисини айблаш учун асос қилиб олинган Р.Сурхонов ва С.Хизриев, С.Хизриев ва Ф.Шодиев ўртасидаги суҳбат стенограммалари, уларнинг кириш-чиқиш кўнги-роқлари рўйхати, юзлаштириш баённомалари ҳолис ва ишончли далиллар эмас. Бундай ҳолатда М.Қодировнинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми билан малакалаб бўлмайди.

Жиноят процессуал кодексининг 83-моддасида иш кўзгатишдан ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбисиз деб топилши ва реабилитация этилиши зарурлиги белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2009 йил 5 мартдаги ҳукмининг М.Қодировга оид қисмини бекор қилиб, уни айбисиз деб топди ва оқлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айна пайтда М.Қодировнинг таниш-билиш, жазосини ўташдан мuddатидан илгари шартли равишда озод қилинади.

Бобохон ВАҲОБОВ,
Фарғона вилояти суди судьяси
Аҳаджон ТУРҒУНОВ,
адвокат

ВА ТАЪЛИМ:

жазони ижро этиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш истиқболлари



Этиборлиси шундаки, бу ерда жазо ўтаётган шахслар муассасадаги барча ишлардан озод қилиниб, ҳатто ойига 120 евро миқдоридан степендия олиш имкониятига

ҳам эга. Ушбу жазони ижро этиш муассасасида масофавий олий таълим ташкил қилиниши натижасида таълим олган собиқ маҳкумлар ора-

Қадрият

Рамазон фазилатлари

Рамазон ойи бошқа ойларга нисбатан фазилату устунликда бамисоли қўёшнинг бошқа сайёраларга нисбатан устунлиги кабилдир. Аллоҳ таоло Рамазон ойини бошқа барча ойлардан олий қилди. Уни қўллаб фазилат ва имтиёзлар билан сийлади.

Рамазон ойи фазилатларининг саноғи йўқ. Бу ойда Ислон тарихига зарҳал харфлар билан ёзилган жуда кўп оламшумул воқеалар рўй берган. Шу боис бутун дунё мусулмонлари бу табаррук ойда солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги йўлидаги ибодатлар билан машғул бўлади.

Рамазон Қуръон ойдидир. Қуръони карим шу ойда нозил бўлган. Масжидларда Қуръони карим хатми давом этмоқда.

Бинобарин, "Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят (ман-баи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир" ("Бақара" сураси, 185-оят).

Рамазон — хайр-саховат ойи. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойда бошқа ойларга қараганда янада саҳийроқ бўлиб кетганлар. Шунинг учун ҳам қадимдан мусулмонлар Рамазон кирганда ҳар галгидан ҳам саховатлироқ бўлишга одатланишган. Давлатманд кишилар закотла-



рини айнан Рамазонда адо этишган. Бу ойнинг барақасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлиб, мўминлар қалбига ҳурсандлик ва шодлик кириши учун одамлар Рамазонга хос хайру эҳсонлари билан бир қаторда закотларини ҳам шу ойда беришган.

Бу ой тунгги намозлар ва нафл ибодатлар ойи ҳамдир. "Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон кечаларини ибодат билан ўтказиб чиқардилар. Қачон ойнинг охириги ўн куни келса, оила аъзолари ва намозга кучи етадиган катта-ю кичикни уй-ғотардилар" (Имом Муслим

ривояти).

Рамазон ойидаги тунги намозлар фикҳ истилоҳида "тарових" дейилади. Бу намозни ўқиш барча мусулмонлар учун суннат ҳисобланади. Мусулмонлар гофил қолиб, бу намозни ўтказиб юбормаслиги керак. Чунки Рамазондаги нафл намозлар учун бериладиган улуғ савоблар бошқа ойларда берилмайди.

Рамазон — раҳмат ойи. Унда раҳмат эшиклари очилади. Рамазоннинг аввалги ўн кунлиги ой ва йилнинг "раҳмат кунлари" ҳисобланади.

Рамазон — мағфират ойи. Унинг ўртадаги ўн куни нафа-

қат ой, балки йилнинг ҳам "мағфират кунлари"дир.

Рамазоннинг охириги кечаси мағфират кечасидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "У (Рамазон)нинг охириги кечасида рўзадорларнинг гуноҳлари кечирилади". "Эй Аллоҳнинг Расули, у Қадр кечасими?", — деб сўрашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Йўқ, лекин ишчи ишини адо этганидан сўнг ажри — ҳақиқат қилиб берилади", — дея жавоб бердилар (Имом Аҳмад ривояти).

Рамазон дўзахдан озод бўлиш ойдидир. Бу ойда жан-

нат дарвозалари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади. Чунки унда жаннатга кириш учун сабаб бўлган хайрли ишлар ва солиҳ амаллар кўпроқ бажарилади, дўзахга кириш учун сабаб бўлган гуноҳ-маъсиятлар ва ярамас, жирканч, уятли ишлар камроқ содир этилади. Жаннат дарвозалари мусулмонларни хайрли ишларга шошилишга тарғиб қилиб ҳам очилади. Дўзах эшиклари эса, гуноҳлардан қайтган, истиғфор айтган, афсус-надомат чеккан, қайта қилмасликка ният қилган ҳолда тавба қилишга тарғиб қилиб ёпилади. Натижада бу ойда вафот этган ва руҳи дўзахга маҳкум қилинган кимсалар бу ойнинг шарофати ила шу ойнинг охиригача дўзахга киришмай туради. Жаннатнинг барча дарвозалари очирилиши Рамазон ойида ер юзига Аллоҳнинг раҳмати кўп нозил бўлишига ҳам ишорадир. Унинг охириги ўн кунлиги "дўзахдан озод бўлиш" кунлари саналади. Шу билан бирга, Рамазонда ҳар кеча сон-саноксиз кишилар дўзахдан озод қилинади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Рамазонда ҳар кеча Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинадиган бандалари бор", деганлари қайд этилган.

Рамазон — дуо ойдидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб, дедилар: "Албатта, Рамазоннинг ҳар кунидан барча мусулмонлар учун қабул бўладиган бир дуо бор" (Имом Аҳмад, Баззор ва бошқалар ривояти).

Интернет материаллари асосида Хумоюн МИРЗО тайёрлади.

Олтиариқлик Раҳмонберди Тожибоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) қора қилмишлари билан ўзига хос "рекорд" ўрнатди. У дастлаб бундан 27 йил муқаддам қотилликка қўл урган бўлса, ўтган давр мобайнида 5 мартаба турли кўринишдаги фирибгарликни содир этгани учун ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Таассуф

Тавбасига таянмаган фирибгар



Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2018 йил 21 сентябрдаги ажрими билан ўталмай қолган жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўтаётган Раҳмонберди Тожибоевнинг 2013 йилда содир этган яна бир фирибгарлиги фош қилинди.

Маълум бўлишича, Бешариқ туманидаги "Бек карато" клуби ҳамда сабзавотчиликка ихтисослашган "Ашурматов Бекмирзо орзу-си" фермер хўжалиги раҳбари Даврон Ашурматов 2012 йилда Ўрта Чирчиқ тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Дониёр Султонов билан танишиб, кейинчалик каратэ спортини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қила бошлайди. Даврон Ашурматов бир гал Тўйтепага келганида Дониёр Султонов нуфузли идоранинг юқори лавозимида ишлайдиган Баҳодир Нурмухаммедов деган киши билан таништириб қўяди. Пўрим кийинган катта ёшдаги "амалдор" Даврон Ашурматовга телефон рақамини бериб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишга қурби етишини билдиради. Устига устак, меҳмонга Қуръони Каримнинг аудио нусхаси ёзилган ручка ҳам сова қилади.

Орадан кўп вақт ўтмай "амалдор" Фарғонага бориб, Даврон Ашурматовнинг қуюқ меҳмони бўлади. Қайтар чоғи унга пойтахтдаги деҳқон бозоридан бирининг раислигини олиб беришни ваъда қилади.

Даврон Ашурматов бу гални эшитгач "улуғ" инсон билан танишиб қолганига амин бўлади. Шу боис 2013 йилнинг февраль ойида "дасти узун амалдор" ўн минг АҚШ доллари миқдоридан қарз сўраганда сира иккиланмай беради. Ўз навбатида, "амалдор" ҳам қарзни айтган муддатда қайтаради. Бу эса, Даврон Тожибоевнинг унга нисбатан бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Орадан 9 ой ўтган, сохта амалдор аввалдан режалаштирган

ишига қўл уради. У Даврон Ашурматовга хориждан зотдор қорамоллар олиб келаётгани, агар керак бўлса, ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилади. Узокни қўзлаган режа иши беради. Д.Ашурматов хориждан олиб келинадиган 200 бош қорамол учун бир миллиард саккиз юз минг сўмни сохта амалдорнинг қўлига тутқазди. Бунинг учун у Яккатут қишлоғида жойлашган ховлисини сотгани етганидек, қариндош-уруғ ва дўстларидан катта миқдорда қарз олади. Афсуски, Д.Ашурматов алдангани, юқори лавозимдаги "амалдор" ашаддий жиноятчи Раҳмонберди Тожибоев эканини жуда кеч англаб етди.

Бу пайтда Р.Тожибоев жазони ижро этиш муассасасида бошқа жиноятлари учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган эди. Бинобарин, Д. Ашурматовнинг мурожаати асосида айбдорга олтинчи мартаба жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани судида бўлиб ўтган суд мажлисида судланувчи жазони ижро этиш муассасасидан олиб келинди.

Суд Раҳмонберди Тожибоевга илгари тайинланган жазони қисман қўйиш йўли билан узил-кесил 6 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва 11.938.500 сўм жарима жазосини тайинлади. Бундан ташқари жазони махсус тартибли колонияларда ўташи белгиланди.

Хулоса ўрнида бир мулоҳазани билдиришни жоиз топдик. Гап шундаки, Раҳмонберди Тожибоев яқин орада 70 ёшга тўлади. Аммо у шу табаррук ёшни олиса ва набралари қуршоғида эмас, темир панжаралар ортида қарши олади. Бу эса, унинг тавбасига таянмаганини кўрсатиши баробарида нақадар аянчли ахволда эканини исботидир.

Фурқатжон СОБИРОВ,

жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани суди раиси

◀ (Бошланиш 3-бетда)

Қайнуқанинг бу янглиғ ширин-шакар сўзи-ю, кафолатомуз ваъдасидан сўнг чиндан ҳам, Озоданинг кўнгли кўтарилди, қўлига кредит маблағи теккандек қувонди.

Дарҳақиқат, бу янглиғ шахдамликнинг сир-синаоти бор. Суянса, арзиғулик ўз одами шу банкда ишлайди. Қолаверса, банк кредити учун тузилган режа ҳам пухта-пишиқ.

Арслон "ўз одаммиз", дея гойибдан танитган банк ходими Улуғбек Солаев (ҳозирда собик) уларни илиқ кутиб олди. Ташрифдан қўзланган мақсад — унга олдинданок аён эди. Шу боис гапнинг индаллосини эшитмаёқ интиҳосига кўчди. Озоданинг номига берилajak 20 миллион сўм ҳажмидаги кредит маблағи ҳужжатлари деярли тахт эканини мамнуният билан таъкидлади.

Банк масъули ўз мижозларини алдаб-аврамаган, қўйини пуч ёнгоққа тўлдирмаган, О.Йўлдошевнинг ариза-сига биноан ажратилиши зарур бўлган банк кредитига оид ҳужжатларни эса, тайёрлаб қўйганди.

Пулнинг бўлғуси эгаси Озода Йўлдошевнинг "Агробанк" туман филиалига такроран боришга ҳолат ҳам, эҳтиёж ҳам қолмади. 25 кўти асалари уясини 20 миллион сўмга сотиб олиш юзасидан 14-тартиб рақами остида қайд қилинган шартнома 17-май кунининг имзосиз расмийлаштирилди. Аниқроғи, ҳужжатга Озоданинг номидан У.Солаевнинг ўзи имзо чекди. Ўзга шахснинг дастхати қўйилган қалбаки ҳужжат имзолангани ҳамон кредит масалларини кўриб чиқувчи туман ҳудудий ишчи гуруҳига тақдим этилди ва ижобий хулоса олинди.

...Қайнука — Арслон Қутлимуродов тегишли ҳужжатлар тайёрлиги, гал ажратилган 20 миллион сўм миқдоридан пулни олишга келиб тақалганини негадир янғасидан сир тутди. Лекин ёпиғли қозон ёпиғилгича қолмади. Коса тагида нимкоса борлиги маълум бўлди. Кейинчалик аниқланган факт ва далилларга қараганда, банк тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, 20 миллион сўм маблағни йилига 8 фоизлик имтиёзли устама асосида 3 йилу 6 ой муддат ичида қайтариш шарт билан 2019 йил 17 майда О.Йўлдошевнинг тасарруфига ўтказиб берган. Аммо бу маблағ эгасининг қўлига етиб келмаган.

...Банк масъули У.Солаев ҳақиқатан ҳам, танишининг ишончини оқлади.

О.Йўлдошевнинг номига ажратилган пул ўзаро келишувга мувофиқ эгасидан қатъий сир тутилган ҳолда ўша куннинг ўзидаёқ тумандаги "Иброҳимов Шомурод Тангриберганович" деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Хўжалик раҳбари Ш.Иброҳимов ҳам сўзида собит турди. Ўз ҳисоб рақамига келиб тушган маблағни нақдлаштирилган ҳолда ортга қайтарди. Шундан сўнг ҳам бу маблағ ўзининг ҳақиқий эгасига етиб бормади. Аксинча, А. Қутлимуродовнинг чўнтагига келиб тушди. Озода эса, банк кредитига

500 минг сўмни унинг қўлига тутқазди. Арслоннинг ўпқон очган нафси бу пулни ҳам ўз домига тортиди.

Кунларни қувлаган куйи ҳафталар, ойлар ўтди. Озода Арслондан пулни сўрайвериб чарчагач, банк мутасаддиларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнг хаспўшланган сирнинг синаоти очилди. Оилавий тадбиркорликка бел боғлаган Озода Йўлдошева 2019 йилнинг май ойидаёқ ўз номига "Агробанк"нинг туман филиали томонидан жорий ҳисоб рақами очилгани ва 20 миллион сўм ҳажмидаги кредит маб-



Қариндошга қўйилган тузоқ

тааллуқли шартнома ҳужжати шу алфозда сохталаштирилгани, унга асосан берилган пул фириб асосида ўзлаштирилгани ва аллақачон ўз қайноғасининг шахсий манфаати йўлида сарфлаб юборилганини ҳатто билмай ҳам қолди. Қайноғасидан кредит маблағи қачон берилишини сўрайвериб, чарчади. Бу орада фирибнинг бошқа бир қилиғи ҳам намоён бўлди. Арслон ҳаром лўқма сифатида жигилдонга жо бўлган ўзганинг ҳалол ризқи-насибасини оз билди чоғи, тагин янғасига юзланди. Кредитни қоплаш учун олдиндан 500 минг сўм миқдоридан нақд пул тўлови талаб қилинаётганини айтди. Банкнинг молиявий мададига астойдил умид боғлаган Озода унинг эстизини ерда қолдирмади. Шу заҳотиёқ

лағи ушбу ҳисоб манзилига ўтказиб берилгани, пировардида эса, ҳақиқий эгаси бир четда қолиб, қайнуқанининг чўнтагига кирганини орадан роппароса 1 йил-у 3 ой ўтиб, 2020 йилнинг август ойида билди. Ўз қайнуқасининг фирибига дуч келган аёл ҳам қараб турмади. Ҳақ-хуқуқлари ҳимоясини сўраб, тегишли назорат маҳкамасига мурожаат қилди. Иш Озоданинг фойдаси, фирибга қўл берганларнинг зарари томон силжиди. Тергов ҳаракатлари ўтказилди. Суд эса, ҳар икки нафс бандасининг ўзаро тил бириктирилган ҳолда содир этган қилмишини Жиноят кодексининг фирибгарлик ва ҳужжатларни сохталаштиришга тегишли 168-моддаси, 228-моддаси 2-қисми "а" банди бўйича малақалади.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Навбатчи муҳаррир:

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6553
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.